

Kim ravshan fikrlasa, u ravshan bayon etadi.

Nikola BUALO

Boysun tumanidagi mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilariga saxovatpesha insonlardan biri Ziyodaxon Hakimova besh yuz ming so'mlik yangi kiyim-bosh va maktab o'quv-qurollari sovg'a qildi.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 10-sentabr, chorshanba

№ 73 (7578)

МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябрь куни давлат ташифи билан Ўзбекистонга келди.

Конституциявий монархия ҳисобланган Малайзия федерал давлат бўлиб, 13 штатдан иборат. Уларнинг тўққизтасида ҳокимият ворислари ҳукмдор, тўрттаси губернаторлар томонидан бошқарилади. Ворис ҳукмдорлар 5 йил муддатга Янг Ди-Пертуан — олий ҳукмдорни сайлайди. 2001 йилнинг декабрида бу юксак лавозимга Перлис ҳукмдори Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл сайланган.

Конституцияга биноан, Янг Ди-Пертуан ҳукмат ва парламент тавсияларига таянган ҳолда давлатни бошқаради. Ҳукмат қарорлари Қирол томонидан тасдиқланади лозим. Олий бош қўмондон ҳисобланадиган Янг Ди-Пертуан парламент қабул қилган қонунлар, Бош вазири номзоди ва Федерал (Олий) суд таркибини тасдиқлайди.

8 сентябр куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Қирол шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шоҳсулага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Малай-

зия раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Ислам Каримов ва Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яккама-якка суҳбатиде икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Малайзия Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1992 йилнинг июнида Президент Ислам Каримов расмий ташиф билан ушбу мамлакатга борганидаёқ икки томонлама алоқаларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. 1993 йилнинг апрелида Бош вазири Махатхир Муҳаммад Ўзбекистонга келди ва ташиф чоғида муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада бойиди. Мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор ҳукмат делегацияларининг ўзаро ташифларини амалга ошириш, вазирлик ва муассасалар, ишбилармон ва илмий доираларнинг мулоқотларини ривожлантиришга имкон яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари ҳар жаҳада жадал ривожланмоқда. Орадаги масофа нисбатан катта бўлишига қарамай, икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга интилиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон-

да Малайзия сармоядорлари иштирокида тузилган 18 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Айниқса «Hotel Uzbekistan», «Uzmacom», «Uzbekleasing international» каби корхоналар номи юртдошларимизга яхши таниш.

Маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта суръат билан ривож топмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти тузилган. Икки мамлакат академиялари, олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Малайзиялик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Айни пайтда мамлакатларимизда савдо-иқтисодий ва сиёсий йўналишларда, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўп.

Малайзия «Осиё йўлбарслари» номини олган давлатлар қаторига киради. У Япониянинг катта суръатли иқтисодий ўсиш моделига таяниш, хорижий технология ва сармоя жалб этиш, саноати ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўзлаштириш, импорт ўрнини қоплаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли иқтисодий замонийлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритган. Утган асрнинг 90-йиллари ўрта-

ларида Малайзия макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган давлатлар орасида илғорлар сафидан жой олиб, айрим ривожланган давлатларга тенглашиб олди. 1997 йили Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқироз Малайзия ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, мамлакат унинг асоратларини қисқа вақт ичида бартараф эта олди. Утган йили ялпи ички маҳсулот 4,2 фоиз ўсгани қайд этилди.

Малайзияда қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Асосий қисми электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат бу соҳага ялпи ички маҳсулотнинг 30,1 фоизи тўғри келади. Кимё, озиқ-овқат саноати, металл қайта ишлаш, транспорт жиҳозлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳам тараққий этган. Мамлакатда «Протон», «Пероду» ва «Хайком» деб аталувчи учта миллий автомобилсозлик компанияси бор.

Сиёсий соҳада томонларнинг кўпгина халқаро муаммоларга муносабатлари ўхшашлигини айтиш ўринлидир. Икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Айни пайтда Малайзия Қўшылмаслик ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда. Келаси ойдан эса Ислам конференцияси ташкилотига раислик ҳам қабул қилиб олади.

(Давоми 2-бетда)

ТАЗЕТАНИ БАРАҚЛАТАНДА:

ТАҲЛИЛЛАР МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

2-бет

БОҒЧА УЧУН ТЎЛОВ 50 ФОИЗГА АРЗОН

3-бет

НАЗАРИЯДАН — ТЕХНОЛОГИЯГА

3-бет

МАТЕМАТИКАДА БАРМОҚ БИЛАН КЎПАЙТИРИШ УСУЛИ

3-бет

«ТИЛЛА ЗИРАК»

4-бет

АЛЛОМАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

6-бет

УДАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Қувонмай бўладими, ахир? Бундан 50-55 йил аввал қурилган ва табиийки, бу кунга келиб яроқсиз ҳолатга тушиб қолган эски, паст ва тор синфхоналардан иборат мактаблар ўрнига янги, кенг ва ёруғ, шинам, замонавий техника ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган синфхоналари бор мактаблар қад ростлай бошлади. «Тўйга тўёна билан» деганларидек, ҳар бир байрамга янги-янги бинолар, таълим муассасаларини қуриб, ишга тушириш анъанага айланиб бормоқда. Бундан эса нафақат ўқитувчи ўқувчилар, балки ота-оналар, келажакни ўйлаган ҳар бир фуқаро чин дилдан қувонмоқда.

Ана шундай қувончли дамлар юртимиз мустақиллиги ва янги ўқув йили арафасида Паркент тумани Заркент ширкат хўжалигида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда 240 ўринли замонавий мактаб қуриб фойдаланишга топширилди.

Заркент ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тоживой Ризаев бошчилигида қисқа фурсатда қуриб битказилган ушбу мактабда ўқувчилар ушбу ўқув йилини Билимлар куни ва Мустақиллик дарслари билан бошлаб юбордилар.

Суратда: мактабнинг умумий кўриниши.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.



SO'NGGI UCH-KUN MUJDALARI

БАҲАНОТ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 29 август кунли Iroqning An-Najaf shahrida sodir etilgan terrorchilik harakati munosabati bilan bergan bayonoti matbuotda e'lon qilindi.

INSONPARVARLIK YORDAMI

Ўзбекистон Республикаси Ichki ishlar vazirligi markaziy gospitaliga Germaniyadan 590 ming evroga teng 24 tonnalik insonparvarlik yordami yuborildi. Berlin shahrining Berlin-Mitte rayoni sog'liqni saqlash idorasi va Germaniyaning boshqa tashkilotlari tomonidan jo'natilgan insonparvarlik yordami jarrohlik va ichki kasalliklarni davolashga mo'ljallangan tibbiyot uskunalarini, muolaja stollari, gidravlik krovatlar va boshqalardan iborat.

YANGI GRANT

Yaponiya hukumati tomonidan moliyalanadigan Yaponiya maxsus fondi tomonidan ajratilgan 500 ming AQSh dollari hajmidagi Osiyo taraqqiyot bankining «Ayollar va bolalar salomatligini yaxshilash» grant texnik ko'magining ochilish marosimi Ўзбекистон Республикаси Sog'liqni saqlash vazirligida bo'lib o'tdi.

(Davomi 2-бетда)

Бундан беш-олти йиллар олдин маҳалламиздан ёки яқин атрофдан бирор киши чет элга кетса, «фалончининг ўғли Америкага ўқишга кетибди», деган хабар ҳаммага овоза бўлиб кетарди. Келганида эса уларни бир марта бўлса ҳам кўришга барча ошқарди. Бугунги кунга келиб, бундай воқеалар одадий ҳолга айланиб қолди. Чунки, бугун астойдил интилган, чет элга бориб ўқишни, ўрганишни орзу қилиб, бу борада изланган ҳар бир инсон мақсадига эришиши мумкин.

Маълумки, АҚШ ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама дўстона алоқалар ўрнатилган бўлиб, бу алоқа самаралари айниқса таълим соҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Америка ҳукумати томонидан молиялаштирилган Айрекс, АКСЕЛС каби дастурларнинг турли лойиҳалари мавжуд бўлиб, бу лойиҳалар асосида ўз фикрлари, тақлифлари билан танловда иштирок этишни хоҳлаган ўқитувчи-ю ўқувчилар ҳар йили куз фаслида тўрт босқичдан иборат имтиҳонларда иштирок этадилар. Дастурларда муваффақиятли қатнашиб, голиб бўлган ватандошларимиз Америка диёрига йўл олади. У ерга борган эса америкаликлар хонадонларида

бирга яшаб, ўқиб, тажриба ўрганиб қайтиб келишади. Шу пайтгача турли дастурларда иштирок этиб, АҚШга бориб келганлар сони 2000 нафардан ошқ бўлиб, бу йил ҳам 300 га яқин юртдошларимиз мавжуд дастурларда ўз фикрлари, янгиликлари билан иштирок этишиб, АҚШга бориб келиш имкониятини қўлга ки-

ЎЗБЕКИСТОН—АҚШ:

ТАЪЛИМ ҲАМКОРЛИГИГА 10 ЙИЛ

ларга қийслагим келади. Чунки, ўзбекистонлик меҳмон америкаликнинг хонадониде яшаш билан бир пайтнинг ўзиде ўша халқнинг узок тарихи, урф-одатлари, анъаналари, буюк маданияти — барчасини ўрганади ва натижада ўз атрофидаги маълум миқдордаги кишиларнинг ўз давлати ҳақидаги тушунчаларга эга бўли-

ришмоқда. Бу эса ўз навбатида давлатларини янада мустаккамлашга хизмат қилади.— дейди АҚШ элчихонасининг Ўзбекистондаги вақтинчалик ишончли вакили жаноб Дэвид Эполтон.

Мазкур лойиҳаларда иштирок этиш учун нафақат мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари, балки барча касб эгалари ҳам ўз тадқиқотлари, фикрлари билан иштирок этиши мумкин. Шунингдек, «Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти» дастури, АҚШ-Ўзбекистон ўқитишда

аълочилик мукофоти дастурлари 2003-2004 ўқув йили учун танлов эълон қилди. Айрекс кенгашининг Интернетдан кенг фойдаланиш ва унга ўқитиш дастури АҚШ давлат департаментининг таълим ва маданият масалалари бўйича Бюроси томонидан молиялаштирилган бу дастур Евроосиё минтақасининг 11та мамлакатиде Ин-

тернет марказларининг кенгайтирилган тармоғи ҳисобланади. Мазкур марказларда ҳар ойда минглаб кишилар Интернетдан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, компьютер технологиялари билан боғлиқ бўлган қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳам рағбатлантирилиб, 2000 АҚШ доллари қийматида ўқув ва малака ошириш материалларини қўлга кириштирилган мактаб директори Орузгул Ҳакимова.— Шу боис жорий йилнинг апрел-май ойида АҚШнинг Монтана штатидаги Бозман шаҳрида бўлиб, 3 ҳафталик семинарлар давомида ўрта мактаблар фаолияти билан танишдик. Уларда тўғарақлар турларини кўпчилиги меннинг қизиқшимни оширди. Ўз юртимизга келгач эса олган тажрибаларимни мактабимиз истиқболи йўлида қўллашга ҳаракат қилмоқдаман.

Хулоса қилиб айтганда, икки давлат ўртасидаги таълим ҳамкорлиги мазкур мамлакатлар учун ҳар томонлама манфаатлидир.

Назокат ХОЛМЕТОВА, Шерали НИШОНОВ, «Ma'rifat» мухбирлари

Ko'ngil bitiklari

СОҒИНЧ ЁХУД...

(Халқ оҳангиди)

Бу майхона аро кирдим, энди, Қолсам-ўлдирарлар, қолмасам-ўлам. Соқий май тутодир биллур қадахда, Олсам-ўлдирарлар, олмасам-ўлам.

Ёримнинг макони — жаннати ризвон, Богида булбуллар куйлар бағри қон. Висолга интизор бул дили вайрон, Борсам-ўлдирарлар, бормасам-ўлам.

МАЙХОНАДА

Муганий соз чалса, Соқий май тутса. Мугбача хиромон айлаб Хилватда... Май сувдек оқсаю, Дилингни ёкса, Пери Мугон Узи Турса хизматда; Шунда, Кечиб дунё Йўғу боридан То телба бўлгунча...

Борми, гуноҳ ювмакка Битта дор?! Битта дор?! Кайга шошар одамлар, Макон йўк! Макон йўк! Нега шошар одамлар, Замон йўк! Замон йўк!

Кўп гуноҳим, алҳазар, Истиғфор, истиғфор! Борми, гуноҳ ювмакка Битта дор?! Битта дор?! Оқ қоғоздаги қора Нукта гўё дунёмиш! Борлиқдаги тафаккур Бариси шунга жамиш!

Кўп гуноҳим, алҳазар, Истиғфор, истиғфор! Борми, гуноҳ ювмакка Битта дор?! Битта дор?! Садоқдаги бегона Бир ўқман, бир ўқман! Тинч кўйингиз одамлар, Мен йўқман, мен йўқман!

ИСТИҒФОР

Маним сўзим забонда Эркинликка зор бўлди. Озод руҳим бу вужуд, Зиндониди хор бўлди.

Кўп гуноҳим, алҳазар, Истиғфор, истиғфор! Зухро МАМАДАЛИЕВА, Жиззах ШХТБ ходимаси

МОҒДАТИ ВОҚЕА

Кийик кўзларидан тўкилган ёшларни кўрганмисиз? Дард, алам билан тўкилган ёшларни... Мен кўрганман. Кўрганману дилимда шу ҳолатни қайта кўрмайин деб Оллоҳимдан ўтиниб сўраганман. Бунга кўп йиллар бўлди. Тоғам кишлоғимиз ёғинасидан бошланадиган Чотқол тоғларининг Зарчўян қисмида ўрмончилик билан шугулланарди. Табиатни жон-дили билан севганидан бу ердаги ҳар бир қўш, ҳар бир жонивор тоғамга жуда азиз эди.

Эртаси эрталаб йўлга тушдик. Қуёш эндигина уйқудан бош кўтариб, Чимён чўққилари устига кўндирилгандай ўз нурларини соча бошлаганди. Илон изи тоғ сўқмоқларидан юқорига кўтарила бошладик. Атроф гўзал, кўтаридаганимиз сари янада гўзаллашгандай кўринади. Майн эсаётган шабада юзларимизни силар, димогимизга турли гуллар бўйини уфуриб тинмасди. Аҳён-аҳёнда учраётган арчалар борган сари қалинлашиб, зичлашиб борарди. Улар орасидан қалқилар зўр бериб сайраши эшитиларди. Қалқиларга бошқа қўшлар ҳам қўшилди. Қани энди қўшлар тилини тушунсанг, нима деб сайраётганларини англаб етсанг...

Энбўлоқ дарасидаги қалин арчалар оралиб борар эканмиз, бизга яқин жойда бехосдан отилган ўқ овози эшитилди. Тоғам ҳам, мен ҳам тўхтаган жойимизда туриб қолдик. Бир пайт қарасам тоғам мендан анча нарида чопиб кетапти. Зум ўтмай ўша қуюқ арчалар орасидан тоғамнинг ғазабли овози янгради. Тоғлар унга акс-садо берди. Кўлингни кўтар, газан-да! Мен тоғам ёнига етиб бор...

ганимда, қаршида номаълум бир киши кўларини кўтариб қимирламай турарди. Оёғи остида қонга беланиб кийик ётар, у тирик бўлиб, жон талвасида ўзини у ёқ-бу ёққа урарди. Ун-ўн беш қадам нарида кичкина кийик боласи онаси ётган жойга жовдираб қараб турарди. Она кийик бошини ердан базўр кўтариб ўзига қараб турган боласини кўради, оёқларини бир неча бор қимирлатиб, тумшугини боласи томон қўзиб оғзини очиб ётди. Кейин одамни ҳам сескантирувчи ниҳо унинг ичидан узилиб чиқди, кўзлари ёш билан қопланди, бу ёшлар ерга томиб тушди. Кийик боласи бир интилиб, атрофда турган одамлардан кўркмай онасининг ёнига келди. Эндигина совий бошлаган жасадини хидлар, атрофда айланар, атрофда турганларга ғазаб билан боқиб қўярди. Бирдан у нима булганини тушуниб етгандек бўлди. Дилни эзувчи аччиқ ва аянчли нола қила бошлади...

Voqeiy hikoyalar

Кўз оғдим қоронғулашиб, ўзимни нохуш сеза бошладим. Ўзимга келганимда яна жонсиз она кийикка назар ташладим. У энди сира қимирламай ётар, кийикча эса жонсиз тана атрофида айланар, уни искар, атрофга манос боқар ва шафқатсиз одамлар туфайли эрта махрум бўлган болалигидан жудо бўлиб, хайрлашиб борарди.

Табиат яшарган палла. Борлиқ кўм-кўк. Далаар, унга тутташ боғлар кўм-кўк. Богдан нари тоғлар бошланади. Бағри тўла дов-дарахлар. Оламаар, олчалар гуллаган. Гулга ўралган шохчаларга булбуллар, ҳар хил қўшлар бир-бири билан баҳс бойлашгандек бири олиб, бири қўлиб сайрайди. Ҳар ер-ҳар ердан тупроқ уюб бош кўтарган юмронқо-зи х л а р к у й г а

Кайик бўлоқ

Уриқисой соҳилларида ўсган қуюқ дарахлар орасидан бир кийик кўринди. У дарахлар сийраб ўсган очик жойга қибди, атрофга ҳадиқ-сираб назар солди. Бир текис ўсган ўллардан чимшиди, атрофда бирон хавф йўқлигини аниқлагандой бўлди. Кейин бошини кўтариб "атрофим тинч" дегандой бошини қимирлатди. Қалин буталар орасидан бир тўда кийиклар чиқиб, унга қараб кела бошлади. Улар ҳам барра ўлға маҳлиб. Шунда...

ди, йиқиларкан атрофдан чопиб келаятган милтиқли одамларни кўрди. Улар кўп эди. Бир-бирини қувиб ўтиб "мен олдим", "мен", "унга мени ўқим терги" деб бақир-шарди. Уларнинг ҳаммаси она кийик бошига келишди. Ҳаёт аломати сўниб бораётган танани ҳар томонга тортишди. Кийик кўзларидан илтижоли боқиниб кўришмади ҳам. Қимир ёнидан пичоқ олиб кийик бўзига торти. Бечора, нажотсиз кийикнинг кўзлари очик қолди. Гушлари нимталаниб бўлинди, боши, кераксиз буюмдай бир чекага отилди.

Улар қандай даҳшат билан келишган бўлса, шундай жўнаб кетишди. Улар кетишган, она кийикнинг боши ёнига болалари йиғилишди. Улар тансиз бош ёнига узоқ турдилар, аччиқ-аччиқ аламли кўз ёш тўқдилар. Оққан кўз ёшлар йиғилиб ним-жонгина жилғага айланди. Она кийик боши ётган жойдан эса бир кун булоқ қайнади. Булоқнинг нимасидир кийикча ўхшаганлиги учунми — йўловчилар уни Кийик бўлоқ деб номлашди. Эндилликда бу жой тоғсеварларнинг сеvimли гўшаси бўлиб қолди. Ҳамидулла МУРОДОВ, нафақадаги ўқитувчи, Бўстонлик тумани

Xullas... КОМПЬЮТЕР-ДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА

Пхеняндаги қишлоқ хўжалиги институти олимлари хали ҳеч қандай ҳаёлига келмаган ичимликни ихтиро қилишди. Бутун дунёда компьютер технологияларидан фойдаланиш авжга чиққан ҳозирги пайтда бу ичимлик жуда кўп келиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда пхенялик олимлар. Айниса, Шимолий Кореяда ҳар бир кишининг компьютер қаршида узоқ мuddатлаб ўтириши уларни ташвишлантира бошлаган эди. Компьютер жуда қулай восита—интернет орқали эса дунёнинг нариги чеккасидаги воқеадан хабардор бўласан. Аммо, кўпчилик ана шу воситадан келадиган зарарчи тан олавермайди. Асосан кўриш органи ва миёга компьютер орқали жиддий зарар етилиши мумкин. Интернетдан муттасил фойдаланувчи корейлар билан ўтказилган табиат таътиллари шуни кўрсатдики, улар ўша ичимликни ичган, ҳалиги зарардан асар ҳам қолмаган. Шимолий корейлик олимлар бу шифобахш ичимлик рецептини яширганлари йўк. Унинг таркибиди қандайдир дарах мевасидан олинган шараб кўпроқ.

ХУШБҲҲ ХАТЛАР

650 минг дон кон-верт хушбўлаштирилган холатда сотува чиқарилди. Россиянинг "Марки" нашриёт-савдо маркази томонидан миқозларга тавсия қилинган бу конвертларнинг "Табият эҳсонлари" умумий номи остида чиқарилиши ҳам оқилона иш. Беш хил кўринишдаги конвертларда ананас, нок, қовун, қулпунча ва ол-маннинг суратлари ёпиштирилган. Қизири шундаки, мевалар расми жонсиз бўлиб кўринса-да, конвертлардан уларнинг хушбўй иси таралади. Марка ёпиштирилган жойга, афтидан ўша меваларнинг шарбатидан оз-оз томизилган. Ҳар бир маркази беш рублдан турувчи конвертларнинг бозори чаккон бўлиб кетди. Табиийки, улар жўна-тилган жойда ҳам ёқими хид таратиб туради.

КАСАЛЛИКНИ ЯШИРГАННИНГ БИЛАН...

Псков вилоятининг қишлоқларидан бирида 14 яшар ўсмир боланинг нариги дунёга жўнашига бир баҳа қолди. Бахтсиз ҳодиса туфайли унинг танаси қуйган. Ўзига келган, бола кўзкорини териш учун чиққанини ва электр токи узатиладиган симёғочга тасодифан урилиб кетганини айтди. Аммо бу тушунтириш боланинг шу аҳволга тушишини тўлиқ тасдиқламамас эди. Милиция ҳодимларининг қийин-қис-товга олиши оқибатида бола электр токи узатиладиган манбага тирмашиб чиқиб, сим ўғирламоқчи бўлган пайтда бирдан ток уриб, ерга думалаб тушганини маълум қилди. Энди бу маҳмадона бола узоқ мuddат да-воланишга ва кейинчалик ногиронлик ҳужжатларини тўғрилашга маж-бур.

ana shunaqa gaplar

ГЕОГРАФИК БОШҚОТИРМА

Geographical quiz with images and questions. Questions include: 1. Юлдузча билан белгиланган пойтахтлар номларини каттакларга туширив. 2. «Энг, энг, энг» номли бошқотирмани суратлар ва саволлар воситасида ечишга ҳаракат қилинг. Questions: Дунёдаги энг узун кўприк, Дунёдаги энг баланд чўққи?, Дунёдаги энг серсув дарё?, Дунёдаги энг чуқур кўл?, Дунёдаги энг катта яриморол, Дунёдаги энг катта орол?, Дунёдаги энг баланд вулқон?, Дунёдаги энг аҳолиси энг кўп давлат?, Дунёдаги энг кичик давлат?, Дунёдаги энг йирик оқоён?, Дунёдаги энг кўп шаҳар?, Дунёдаги энг баландда жойлашган кўл?, Дунёдаги энг узун шаршара?, Дунёдаги энг йирик дегиз?, Дунёдаги энг йирик давлат?, Дунёдаги энг йирик дегиз?, Дунёдаги энг катта музлик, Дунёдаги энг катта китъа?, Дунёдаги энг катта музлик, Дунёдаги энг катта кўл?, Дунёдаги энг катта кўл?

Давронбек ТОЖИЛИЕВ тайёрлади.

Ma'rifa! ТАСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими вазири, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бoш мухаррир: Ҳалим САИДОВ Тахрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОВЕВ (бош мухаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТКУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош мухаррир ўринбосари), Хулқар ТУЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150. Г-826. Тиражи 19179. Г. 1 2 3 4 5. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Навбатчи мухаррир: Насиба ЭҲОҶОНОВА, Навбатчи: Мухаммадҷон ИСРОИЛОВ.

Маърифатдан материаллари кўчириб босиш тахрират рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахриратга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди. Ҳаёли остида реклама материаллари берилади. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. E-mail: marifat@ars-inform.uz ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касба-йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоис сотува эркин нархда Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА саҳифаллади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй. Босишга товирин вақти—21.00. Топширилди.